# “Офарин – 2001” йилнинг энг яхши ижодкори республика танлови ғолиблари

### 1. “Адабиёт ва журналистика” йўналиши

**“Йилнинг энг яхши ёзувчиси” номинацияси**

**Хуршид Дўстмуҳаммад** — “Бозор” романи, “Ҳижроним мингдир менинг” қисса ва ҳикоялар тўплами ҳамда “Озод изтироб қувончлари” публицистик мақолалар китоби учун.

**“Йилнинг энг яхши шоири” номинацияси**

**Матназар Абдулҳаким** — Миллий тафаккур ғоялари билан йўғрилган туркум шеърлари учун.

**“Йилнинг энг яхши болалар ижодкори” номинацияси**

**Сафар Барноев** — “Менинг муаллимим” достони, ҳикоялар, шеърлар ва публицистик мақолалар туркуми учун.

**“Йилнинг энг яхши драматурги” номинацияси**

**Одил Ёқубов** — “Бир кошона сирлари” пьесаси учун.

**“Йилнинг энг яхши журналисти” номинацияси**

**Иброҳим Раҳим** — “Халқ сўзи” газетасида эълон қилинган туркум мақолалари учун.

### 2. “Кино ва телевидение санъати” йўналиши

**“Йилнинг энг яхши кинорежиссёри” номинацияси**

**Собир Назармуҳамедов** — “Чаёнгул” бадиий фильми режиссураси учун.

**“Йилнинг энг яхши телерадио режиссёри” номинацияси**

**Баҳром Ёқубов** — “Миллат қайғусидан, халқ дардидан яралган...” видеофильми режиссураси учун.

**“Йилнинг энг яхши кинооператори” номинацияси**

**Рифқат Ибрагимов** — “Пари момо” бадиий фильмини суратга олишдаги операторлик иши учун.



**СУРАТДА: тантанадан лавҳа.**
**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.**

**“Йилнинг энг яхши телеоператори” номинацияси**

**Шуҳрат Муталов** — “Мен элимнинг юрагида яшайман” туркум видеофильмини суратга олишдаги операторлик иши учун.

**“Йилнинг энг яхши киноактёри” номинацияси**

**Хайрулла Саъдиев** — “Алпомиш” бадиий фильмидаги Тойчахон роли ижроси учун.

**“Йилнинг энг яхши киноактрисаси” номинацияси**

**Мадина Мухторова** — Кино ва телевидениеда яратган аёллар образлари туркуми учун.

### 3. “Театр, мусиқа ва тасвирий санъат” йўналиши

**“Йилнинг энг яхши театр режиссёри” номинацияси**

**Олимжон Салимов** — Й.Охунбобоев номидаги республика Ёш томошабинлар театрида саҳналаштирилган “Боз масхарабоз” спектакли режиссураси учун.

**“Йилнинг энг яхши театр актёри” номинацияси**

**Валерий Цветков** — Ўзбекистон Академик рус драма театрида саҳналаштирилган “Ҳар тўкисда бир айб” спектаклидаги Крутицкий роли ижроси учун.

**“Йилнинг энг яхши театр актрисаси” номинацияси**

**Турсун Қайипназарова** — Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат мусиқий театрида саҳналаштирилган “Ота тақдири” спектаклидаги Улжон роли ижроси учун.

**“Йилнинг энг яхши хонандаси” номинацияси**

**Муножот Йўлчиева** — Мумтоз қўшиқларни юксак маҳорат билан ижро этганлиги ва санъатимизнинг хорижда тарғиботи учун.

**“Йилнинг энг яхши бастакори” номинацияси**

**Анвар Эргашев** — Янги қўшиқлар ва куйлар туркуми учун.

**“Йилнинг энг яхши созандаси” номинацияси**

**Адиба Шарипова** — Юксак ижрочилик маҳорати учун.

**“Йилнинг энг яхши рассоми” номинацияси**

**Жамол Усмонов** — “Руҳ ва хаёл” кўргазмаси доирасида намойиш этилган асарлари учун.

**“Йилнинг энг яхши амалий санъат устаси” номинацияси**

**Алишер Нарзуллаев** — Ғиждувон кулолчилик мактаби анъаналарини тиклагани учун.

**“Йилнинг энг яхши дизайнери” номинацияси**

**Холида Комилова** — Ўзбекистон миллий либоси дизайнини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ва аёллар учун миллий матолардан яратилган либослар тўплами учун.

**“Санъатга бахшида умр” номинацияси**

**Абдулҳақ Абдуллаев, Ўзбекистон халқ рассоми** — Ўзбек миллий санъати ривожига қўшган улкан ҳиссаси учун.

# Дўстлик ришталари мустаҳкамланмоқда

**Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашида Оналар ва болалар йилига бағишланган тадбир ўтказилди. Кенгашнинг хотин-қизлар шўъбаси ва “Ўзбекистон-Япония” дўстлик жамияти томонидан уюштирилган бу тадбирда Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломова, Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Киоко Накаяма, Олий Мажлис депутатлари, ишбилармон аёллар, жамоатчилик, олий ўқув юртлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.**

**Самимий мулоқот руҳида ўтган мазкур кечада Киоко Накаяма хоним йиғилганларнинг саволларига жавоб қайтарар экан, Япония ҳақида, япон хотин-қизларининг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ҳаётида иштирок этиш борасидаги имкониятлари тўғрисида сўзлаб берди. Элчи Ўзбекистонда хотин-қизларнинг мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларида, хусусан, давлат бошқарувидаги иштироки катта эканлигини мамнуният билан таъкидлади. Суҳбат асносида халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашда хотин-қизлар муҳим ўрин тутиши ҳам алоҳида қайд этилди.**

**(ЎзА).**

Долзарб мавзу

# Оқсим касаллигидан эҳтиёт бўлинг!

Оқсим (ящур) вируслар келтириб чиқарадиган ўткир юқумли касаллик бўлиб, у билан асосан ҳайвонлар касалланади, одамларга ҳам ҳар хил ҳайвонлардан юқиши мумкин.

Оқсим касаллиги бўйича ҳозирги даврда бир қатор Европа мамлакатларида нохуш эпизоотологик вазият вужудга келди. Буюк Британия, Франция, Молдова ва бошқа мамлакатларда ҳайвонлар орасида ушбу касаллик қайд қилинганлиги ҳақида оммавий ахборот воситаларида хабар берилди. Ушбу мамлакатларда вужудга келган ноқулай эпизоотологик ва эпидемиологик вазият Ўзбекистонга ҳам ўз таъсирини кўрсатиши мумкин.

Касалликнинг мамлакатимизга кириб келиши ва тарқалиб кетишининг олдини олиш учун барча ветеринария ходимлари, тиббий ходимлар, ички ишлар, чегара қўшинлари, божхона ходимлари ва кенг жамоатчилик биргаликда чора-тадбирлар кўришлари мақсадга мувофиқ. Оқсим касаллигининг олдини олиш учун ҳар бир киши унинг юқиш йўлларини ва юқтириш омилларини, касалликнинг белгиларини ва муҳофазасини яхши билиши керак.

Ушбу мақолада биз оқсим касаллиги ҳақида қисқача маълумот бермоқчимиз. Касалликни юқтирувчи асосий манба, қорамол, қўй ва эчкилар, чўчқалар ва шу касаликка чалинган йиртқич қўштуёқли ҳайвонлардир.

Одамлар учун, айниқса, уй ҳайвонларидан — қорамоллар, қўй-эчки ва чўчқалар хавфлидир. Туя ва буғу, кийиклар орасида касаллик камдан-кам учрайди. Кемирувчи ҳайвонларнинг ушбу касалликка мойиллиги жуда паст. Касалланган ҳайвонлар касаллик вирусларини ташқи муҳитга сўлак, сут, сийдик ва ахлати орқали чиқаради.

Касаллик ҳайвонлардан одамларга шахсий гигиена қоидаларига амал қилмаслик натижасида, сут ва сут маҳсулотларини пиширмасдан истеъмол қилиш жараёнида юқиши мумкин. Соғлом ҳайвонлар ва одамлар организмига оқсим вируслари жароҳатланган тери, оғиз, бурун, қизилўнгач, ичаклар ҳамда кўз шиллиқ пардалари орқали тушади. Оқсим касаллигига асосан ветеринария ходимлари, чорвадорлар ва уларнинг болалари, сутчилик фермаларида ишловчилар, гўшт комбинатлари ва кушхоналар ходимлари кўпроқ чалинадилар.

Оқсим вируслари ҳайвон ва одам организмига тушгандан 3-8 кун кейин тана ҳарорати 38-39 даражагача кўтарилади, танада оғриқ, қаттиқ бош оғриғи пайдо бўлади. Кейинчалик эса оғизда, лабларда, бурунда куйганга ўхшаш қизариш аломатлари ва оғриқ пайдо бўлиб, 2-3 кундан кейин ичида суюқлиги бўлган майда тошмалар тошади, бу тошмалар пуфакчаларга айланади. Овқат ейиш жараёнида пуфакчалар ёрилиб оғриқ берадиган ярачаларга айланади, оғиздан кўплаб сўлак ажрала бошлайди. Касалликнинг кейинги даврларида бундай ярачалар қўл ва оёқ панжаларида, бармоқлар оралиғида, ҳайвонларнинг туёғида пайдо бўлади. Касаллик оғир кечганда беморларда ич кетиши ва қусиш белгилари кузатилади, лаблар, тил шишиб кетади. Пуфакчаларнинг панжа орасига, тирноққа яқин жойларга тошиши оқсим ташхисотида катта аҳамиятга эга.

Оқсимнинг иккита клиник тури тафовут қилинади: касалликнинг тери, яъни «маҳаллий» турида тошмалар терига, «оғиз» турида фақат оғиз шиллиқ пардасига тошади. Асоратлар қолдирмай кечадиган оқсим одатда 10-15 кундан сўнг тузалиб кетади. Баъзида эса беморларда миокардит, тирноқларнинг зарарланиши каби асоратлар қолдиради.

Оқсим билан оғриган беморлар юқумли касалликлар шифохоналарига ёки соматик шифохоналарнинг алоҳида бокс палаталарига ётқизилиб даволанадилар. Беморларда пайдо бўлган тошмалар 5 фоиз ляпис эритмаси билан куйдирилади, оғиз 1 фоиз марганцовка эритмаси, 3 фоиз водород перекис эритмалари билан чайилади. Беморларга суюқ, тез ҳазм бўладиган, витаминларга бой овқатлар тавсия қилинади.

Оқсимнинг олдини олиш учун ушбу касаллик учрамайдиган ҳудудларга касал ҳайвонларни ва улардан олинадиган озиқ-овқат маҳсулотларини киритмаслик асосий омиллардан ҳисобланади. Бунинг учун эса чегараларда жойлашган карантин масканларида четдан келтирилаётган ҳайвонлар ва маҳсулотлар устидан ветеринария ва санитария назорати кучайтирилиши керак.

Касаллик эпизоотик тарқалишининг олдини олиш мақсадида ветеринария назорати ходимлари томонидан ветеринария-санитария мажмуавий режалари тузилади ва ушбу режа вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари томонидан тасдиқланади. Оқсим билан касалланган ҳайвонларни парвариш қилиш, уни сўйиш, гўштини, гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлашда махсус тайёргарликдан ўтмаган шахслар, ёш болалар, ҳомиладор ва эмизикли аёллар бутунлай қўйилмайди. Касаллик ўчоғида ишловчи ходимлар 2 комплект махсус ҳимоя кийимлари билан таъминланган бўлишлари шарт. Ушбу кийимлар касаллик ўчоғида ташкил қилинган жойларда ва дизенфекция камерасида зарарсизлантирилганидан кейин олиб чиқиб кетилади. Кийимларни уйда ювиш ман этилади. Касал ҳайвонлар фақат махсус сўйиш майдончаларида, санитария-ветеринария қонун-қоидаларига риоя қилган ҳолда, ветеринария ходимлари назорати остида амалга оширилади. Сўйишдан сўнг барча асбоб-ускуналар, хоналар дизенфекция қилинади.

Сут ва сут маҳсулотларини касаллик ўчоғидан олиб чиқиб кетиш, сотиш ва уларни қайнатмасдан истеъмол қилиш қатъиян ман этилади. Ҳайвон терилари махсус хоналарда тузлаш йўли билан зарарсизлантирилади. Оқсим касаллигидан ўлган ҳайвон мурдалари аввал ташқи томондан 2 фоиз натрий ишқори билан қайта ишланиб, кўмиладиган жойга олиб бориб куйдириб ташланади. Ҳудудларга кириш ва чиқиш жойларида дизенфекция тўсиқлари ташкил этилиши керак.

**О.МУРТАЗОЕВ,**
**Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Бош эпидемиологи, профессор.**

## Мустақиллик: курашлар, изтироблар, қувончлар

# Наврўз: ўтмиши,

Мустақиллигини қўлга киритган Ўзбекистон халқи янги XXI асрга ўзининг миллий-маънавий қадриятларини тиклаган, уларни янги мазмун билан бойитиб, янгича ҳаёт бахш этган ҳолда кириб келди. Бу йилги Наврўз байрами Қурбон ҳайити байрами билан кетма-кет келганлиги янги асрнинг халқимиз учун қутлуғ бўлажагининг далолатидир.

Маълумки, ҳар бир миллатга, аввало, унинг тили, тарихи, байрамларини, миллий хусусиятларини ўрганиб баҳо берилади. Айни пайтда, мамлакат раҳбарига, етакчисига муносабат билдирилганда унинг миллий-маънавий қадриятларига бўлган муносабатига, уни авайлаб асраши ва авлодларга етказа олишига қараб ҳам баҳо берилади.

Халқлар ҳаётида турли: диний, миллий, касбий ёки меҳнат байрамлари, оилавий байрамлар мавжуд. Уларни ҳар бир халқ ўзича идрок этади ва амалга оширади. Миллатнинг дунёқараши, орзу - умидлари, истак ва интилишлари, ўзлиги унинг байрамлари, анъаналарида, айниқса, ёрқин акс этади. Шунинг учун ҳам тарихда у ёки бу миллатни ўзлигидан маҳрум этмоқчи бўлган фотиҳлар, аввало, миллатни тилидан, тарихидан ҳамда маънавий қадриятига айланган турли байрамларидан маҳрум этишга уринганлар. Босқинчилар миллатга бегона ва ёт бўлган, унинг миллий-маънавий қадриятларига тўғри келмаган урф-одат, анъаналарни киритиш орқали унинг турмуш тарзини ўзгартириб юборишни мақсад қилиб қўйганлар. Бунга турли йўллар ва воситалар орқали муайян даражада эришганлар ҳам. Аммо, ҳаёт фалсафаси бир нарсадан огоҳ этадики, миллатнинг маънавий борлиғига “зўрлаб” сингдирилган байрамлар ҳеч қачон абадий қолиши мумкин эмас. Халқ таъқиққа учраган ўз миллий байрамларини очиқ нишонлай олмаса-да, ўз қалбида эъзозлаб, ардоқлаб келган. Бунга тарихдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Яқин тарихимизга мурожаат қилайлик. Ўзбек халқи табиатига, миллий борлиғига зид бўлган тузум жорий этган шўролар даврида ҳам худди шундай бўлди. Шўро тузуми халқимиз, миллатимиз учун қадрли бўлган байрамлар ўрнига бизга тўғри келмаган, бегона бўлган байрамларни киритишга ҳаракат қилди. Мақсад бизни ўзлигимиздан ажратиб, ундан бегоналаштириш, ўзлигимизни йўқотишдан иборат эди. Буни ҳозирги авлод яхши эслайди. Буни унутиш мумкин эмас, аксинча, истиқлол туфайли ҳаётимизда рўй берган ўзгаришларнинг, мустақилликнинг қадрига етиш учун ҳам ўтмишдан сабоқ чиқариш зарур.

Оллоҳга шукрлар бўлсинки, мустақиллик туфайли бир неча асрлар давомида шаклланиб келган байрамларимиз қайта тикланди. Ана шундай миллий байрамлардан бири Наврўз байрамидир. У бугунги кунда ўзига хос улуғворлик, шукуҳ билан байрам қилинмоқда. Айни пайтда бир вақтлар қатағон этилган ёки қораланган тарихий шахсларнинг номлари ҳам тикланди, уларнинг хотираси учун музейлар, мажмуалар бунёд этилди. Бугун одамлар ўзларининг тарихи, тили, қадриятлари қайта тикланганини, аждодлар руҳи шод бўлаётганини кўриб турибдилар, бу ўзгаришларни жон-дилдан қувватламоқдалар. Айни пайтда ҳали орамизда ўзгаришлар моҳиятини англамаган, хусусан, ҳозирги моддий қийинчиликларни рўкач қилиб, тарихий шахсларнинг юбилейлари, миллий ва диний байрамларни бунчалик тантана билан ўтказиш тўғримикан ёки шартмикан, деб шубҳа билдираётганлар ҳам бор. Шу боис бундай қарашларга муносабат билдириш билан бирга, шу кунларга қандай эришганлигимиз, миллий байрамларимиз ва қадриятларимизни тиклаш осон ва силлиқ кечмаганлигини яна бир бор далиллар асосида кўрсатишга эҳтиёж бор.

Худди шу савол муҳтарам Президентимизга бошқачароқ тарзда, аниқроғи, Темур ва темурийлар музейи қурилиши муносабати билан берилганлигини ҳам яхши эслайман. Шунда И.Каримов: Темур ва темурийлар музейи фақат буюк бобокалонимизнинг номини қайта тиклаш, уни абадийлаштириш учунгина қурилгани йўқ, балки юз йиллар давомида топталиб келинган ўзбекнинг миллий ғурури, қадриятларини қайта тиклаш учун, унинг ўзлигини англаши учун бунёд этилди, деган эдилар.

Ҳа, ўзлигингни англамасанг мустақил бўлолмайсан. Ҳақиқий озод бўлиш учун эса миллатнинг ўтмишини, руҳини тиклаш керак бўлади. Бу: 1) онг ва тафаккур ўзгармаса ўтмишни қўмсаш давом этаверишини, ўзлигини англамаган ҳар бир киши учун “қул бўлиб яшаш” афзалроқ кўринишини англатади; 2) бундай фикрларнинг ҳамон мавжудлиги коммунистик мафкуранинг асоратлари айримлар онгида ҳамон сақланиб қолаётганлигини кўрсатади; 3) миллий ғояни сингдириш борасида анча ишлар қилинаяпти. Аммо бу соҳада қилинадиган ишлар ҳали кўп. Тарих шуни кўрсатадики, ҳар бир миллат, ҳар бир шахс, биринчи навбатда, ўз миллий ғурурига эга бўлиши, ўзлигини англаши лозим. Шахс, миллат, аввалambор, ўзини ҳурмат қилганидагина бошқа шахс, миллатларни ҳурмат қилади. Ўзлигини англамаган, ғурурсиз миллат ҳар қанча моддий бойликларга эга бўлмасин, қул бўлиб яшайверади. Аксинча, ўзлигини англаган, ўз аждодлари тарихини, қадрияти, урф-одатлари, анъаналарини эъзозлаган миллатнинг келажаги буюк бўлади.

Мустақиллик туфайли халқимизга қайтиб келган Наврўзи олам, Рамазон ва Қурбон ҳайити каби байрамлар қаттиқ курашлар, изтироблар натижасида қўлга киритилди. Ўзлигимиз ифодаси бўлган байрамларимиз абадий барҳаёт бўлиши учун шу кунларимизнинг қадрига етишимиз, босиб ўтилган курашлар, изтироблар йўлини унутмаслигимиз, ёш авлодга бор ҳақиқатни етказишимиз даркор. Келинг, юқорида биз қайд этган шўро даври билан боғлиқ тарихий воқеаларга яна бир назар ташлайлик. Ўша даврда миллий байрамларни йўқ қилиш мустамлакачилик сиёсатининг ўзига хос кўриниши сифатида намоён бўлган эди. Айни пайтда миллий байрамларни йўқ қилиб юборишда айрим шахсларнинг ҳам “алоҳида ўрни”, мустамлакачилик сиёсати ўз мақсадига эришиш учун халқимизнинг миллий байрамларига ҳуруж қилиб турган бир пайтда, ўзимиздан чиққан айрим маҳаллий раҳбарларнинг бу сиёсатни тўлиқ қўллаб-қувватлаши дард устига чипқон бўлди. Фактларга мурожаат этайлик. 1984 йил 23 июн куни Ўзбекистон КП Марказий Қўмитасининг 16-пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон КП МКнинг биринчи секретари И.Б.Усмонхўжаев ўз маърузасида “Партия ташкилотлари баъзан одамлар онгидаги ўтмиш сарқитларининг социал хавф-хатарига етарли баҳо бермаётганликларини, коммунистларнинг диний маросимларда қатнашиш ҳоллари учраб турганлигини, ҳам дабдабали тадбирлар ҳаддан ташқари кўплиги, одамлар онги ва феъл-атворидаги реакцион сарқитларга қарши, истеъмолчилик психологиясига, қолоқ урф-одатларга ва ҳашамдор тўй-томошаларга ва маъракаларга қарши курашдаги ҳужумкорлик ва таъсирчанлик бўшаштириб юборилганлигини, оммавий ахборот воситалари эса халқ орасида социалистик турмуш тарзини янада кенгроқ тарғиб қилишлари лозимлиги”ни алоҳида таъкидлайди (“Совет Ўзбекистони”, 1984 йил 26 июн). Натижада бу пленум қарорларини амалга ошириш ва ҳаётга татбиқ этиш бўйича дастурлар қабул қилинади, тадбирлар ишлаб чиқилади.

Хуллас, республиканинг ўша пайтдаги раҳбарлари Наврўз ўрнига ўзлари ўйлаб чиққан “Советлар андозасига мос анъаналар ва тадбирлар”ни киритишга уриниб кўрдилар. 1985 йил 10 июлда Ўзбекистон КП МКда И.Б.Усмонхўжаевнинг “Социалистик турмуш тарзи меъёрлари ва тамойилларидан жиддий чекинишлар, уларни тугатиш ва республика аҳолиси ҳаётида илғор анъаналар ва урф-одатларни қарор топтириш ҳақидаги” ёзма маълумоти асосида махсус қарор қабул қилиниб, у қўллаб-қувватланади. Шу қарорнинг 2-бандида: “ҳар бир оила, ҳар бир меҳнат ва ўқув жамоаси ҳаётига партия ва совет халқининг шонли коммунистик идеаллари, революцион, ҳарбий ва меҳнат анъаналарига, **В.И.Лениннинг ҳаёти ва фаолиятини тарғиб этишга асосланган илғор, совет удумларини жорий этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилсин ва амалга оширилсин,** бу чора-тадбирлар аҳолининг теран ғоявий ишончини, фаол ҳаётий позициясини янада шакллантиришга, шахснинг ҳар томонлама ривожига хизмат қилиши назарда тутилсин” дейилади ва жойларга зарур чора-тадбирларни кўриш бўйича кўрсатмалар йўлланади.

Шу қарорнинг 6-бандига эътиборни қаратинг: “Авлодлар ўртасидаги боғлиқлик ва ворисийликни мустаҳкамлаш, ўтиб кетган ота-оналар ва яқинларни, ўзининг жанговар ва меҳнат жасоратлари билан **социалистик Ватаннинг озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилган, унинг куч-қудратини улуғлаган ва юксалтирганларнинг табаррук хотирасини авайлаб асраш мақсадида Ўзбекистон ССРда хотира кунини жорий этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.** У ҳар йили март ойи учинчи ўн кунлигининг якшанба кунида нишонлансин”.

Мазкур қарорнинг мақсади аниқ бўлиб, у Наврўзга қарши қаратилган эди. Эътибор беринг: тўқиб чиқарилган хотира куни айни Наврўз байрами нишонланадиган кунларга мослаб белгиланганди. Ишлаб чиқилган дастурлар ва тадбирларнинг асосий мақсади халқимизнинг миллий урф-одатлари, қадриятлари ва байрамларига қарши курашдан иборат эди. Бунинг энг қулай йўли — уларга диний тус бериш, социалистик турмуш тарзига зид ҳолатлар деб, кўрсатиш эди. Юқорида айтганимиздек, биринчи навбатда, Наврўзни эскилик қолдиғи, диний хурофот сифатида халқ онгидан йўқотиш мақсади кўзланганди. Шуни ҳам айтиш керакки, раҳбарлар минг йиллар давомида халқимизнинг онги ва қалбидан чуқур жой олган ва унинг қадриятига айланган байрамларни бир қарор билан ўчириб ташлаб бўлмаслигини ҳам яхши англар эдилар. Улар ўз мақсадини босқичма-босқич амалга ошириш йўлини тутдилар. Шу мақсадда ҳар йили 30 мартда Хотира кунини нишонлаш Наврўзни йўқотиш йўлида қўйилган биринчи манфур қадам эди. Хотира куни тадбири кутилган натижани бермагач, кейинги йили сунъий “Навбаҳор” байрами ўйлаб топилди. Бу байрам ҳар йили апрел ойининг биринчи якшанбасида нишонланиши кўзда тутилди. Бироқ кўрилган чора-тадбирларга қарамай одамларнинг Наврўзга бўлган муносабати ўзгармади. Наврўз янгиланиш, покланиш, меҳр-оқибат, яшариш байрами сифатида инсонлар қалбида яшаб қолаверди. Кўрилган тадбирлар кўзланган мақсадга олиб келмаётганлигини тушуниб етган МК 1986 йили Наврўзга қарши янги курашга отланди. 1986 йил тарихимизда Наврўзга нисбатан қатағон йили сифатида ном қолдирди.

Марказқўмнинг ўша даврдаги мафкура бўйича котибаси 1986 йил март ойининг иккинчи декадасида, Наврўз байрами арафасида республика оммавий ахборот воситаларининг масъул ходимлари иштирокида йиғилиш ўтказди. У Наврўз байрамини нишонламаслик тўғрисида, унинг халқимиз ҳаёти ва турмушига “зарарли” эканлиги тўғрисида сафсата сотди. Шунда йиғин иштирокчиларидан бири, Самарқанд вилоятининг “Ленинский путь” газетасининг муҳаррири Борис Щеголохин унга эътироз билдириб, Наврўз байрами диний эмас, балки миллий байрам эканлигини таъкидлаб, уни ҳимоя қилишга журъат этди. Йиғилишда қатнашганларнинг аксарияти маҳаллий аҳоли вакиллари бўлсада, улардан ҳеч ким чурқ этмади. Бу ўша пайтлари ўзимиздан чиққан “фаол”ларнинг қуён юраклигини, журъатсизлигини ҳам кўрсатади.

Шу ўринда муҳим бир хулосага, сабоқ чиқаришга арзигулик бир ҳолатга дуч келамиз. Наврўз каби миллий байрамларни таъқиқлаш тўғрисида гап кетганда, унинг сабабини фақат марказдан, собиқ шўро тузумидан қидиришга одатланиб қолганмиз. Тўғри, ўша даврдаги сиёсат ва унинг мафкураси шуни талаб қилганлигидан кўз юмиб бўлмайди. Аммо айбни фақат четдан қидириб, ўз орамиздан чиққан, ўзларини халқимизнинг “етакчилари” деб билган айрим шахсларнинг шу давр сиёсати ва мафкурасига қандай муносабатда бўлганликларига ҳамма вақт ҳам холисона баҳо беравермаймиз. Мамлакат раҳбари ёки шахс сифатида уларнинг ўз фикри бўлганми? Минг афсуски, улар ўзини “саллани олиб кел деса, каллани ҳам қўшиб олиб боришга” тайёр раҳбар сифатида намоён қилдилар. Бошқа республикалар раҳбарларига таққослаганда ҳайрон қолади киши. Ўша оғир даврда ҳам қўшни республикаларга яқин туманларда яшовчи айрим фуқароларимиз (масалан, Сурхондарё вилояти) у ерларга яширинча бориб Наврўз байрамини ўтказиб келганлари маълум. Демак, қўшниларимиз Наврўзни ўтказишга имконият топди-ю, биздаги раҳбарларнинг ўзлари бунга тиш-тирноқлари билан қарши бўлдилар. Нима учун шундай қилинди? Ўз халқини, унинг қадриятларини эмас, аксинча, ўзининг мавқеини сақлаб қолиш, нима қилиб бўлса ҳам амал курсисидан, раҳбарлик лавозимидан кетмаслик, ўзини ўйлаш, ўзи учун, амал учун яшаш ва ижро қилиш, яъни амалпарастлик иллати шунга олиб келганлигини англаб олиш қийин эмас. Наврўзнинг қатағон этилишига И.Усмонхўжаев, Р.Нишоновга ўхшаганларнинг “дўппини ол деса, каллани олиб келганлиги” сабаб эмасми? Бу ўз амалини сақлаб қолиш учун қилинган иш эмасми? Халқимиз шундай хизмат қилишни ўзига эп кўрган ва ялоқхўр бўлган бундай малайларни киноя билан “бўзчалар” деб аташи бежиз эмас.

Уларнинг қиёфасини ўша давр матбуоти материаллари орқали ҳам яққол кўриш мумкин. Шу даврда республика ОАВда эълон қилинган бош мақолалар таҳлил қилинганда инсон эрки, унинг озодлиги, унинг учун қадрли бўлган миллий-маънавий қадриятлар таҳқирланганини кўрамиз. Шу даврда энг нуфузли нашр ҳисобланган “Совет Ўзбекистони” газетаси қандай мақолаларни чоп этганлигига эътибор беринг. Аввало, 1986 йилдан 1988 йилгача 21 март Наврўз байрами кунида “21 март — ирқий камситишни тугатиш учун халқаро кураш куни” номи билан мақолалар чоп

Азиз ҳамкасблар!
Қадрли акционерлар ва
мижозлар!

# «ТУРОН»

АКЦИОНЕРЛИК ТИЖОРАТ БИРЛАШТИРУВ БАНКИ КЕНГАШИ ВА БОШҚАРУВИ

Сиз азизларни, баҳор ва уйғониш, янгиланиш ва яшариш фасли бўлмиш НАВРЎЗИ олам билан самимий муборакбод этади!

Қутлуғ Наврўз айёми ҳаммангизнинг оилангизга хуш кайфият, тинчлик-тотувлик, файзу барака олиб келсин.

Бахт ва саодат ҳамиша Сизларга ёр бўлсин.

---

ABN·AMRO Bank

# АБН АМРО БАНК ЎЗБЕКИСТОН МБ А.Ж.

Ўзбекистон халқини гўзал баҳор байрами — НАВРЎЗ айёми билан чин юракдан табриклайди!

Ҳар бир оилага тинчлик, хотиржамлик, фаровонлик, мустаҳкам саломатлик, муҳаббат ва бахт-саодат тилайди!

---



# «СУВЖИҲОЗГАЗ»

Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси жамоаси

Ўзбекистон халқини янгиланиш, ёшариш байрами —

## Наврўзи олам билан чин юракдан қутлайди.

«Сувжиҳозгаз» Ўзбекистонда баҳор сурури ва шодиёнаси абадий бўлишини, унинг янада гуллаб-яшнашини истайди.

Шуни унутманг, «Сувжиҳозгаз» Сиз билан ҳамиша бирга бўлишга ҳаракат қилади. Агар биз билан бирга бўламан, Ўзбекистоннинг табиий бойликларидан оқилона фойдаланаман десангиз, рўзғорингиздаги сарф-харажатни тежашни истасангиз, Ўзбекистонда тайёрланган ҳамда хориждан келтирилган турли русум ва ўлчамдаги



газ ўлчагич ва сув ўлчагич асбобларини биздан харид қилишингиз мумкин.

Бизнинг маҳсулот сифатлилиги, арзонлиги ва қулайлиги билан Сизга маъқул келади.

Мурожаат учун манзилимиз:
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,
«Чилонзор» мавзеси-20, 19/3-уй.
Тел.: 117-15-56, 117-15-45.

Наврўз байрамингиз муборак бўлсин!

Азиз юртдошлар!

АКЦИОНЕРЛИК ТИЖОРАТ
«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»
БОШҚАРУВИ

серқуёш Ўзбекистонда истиқомат қилувчиларни, ўз таъсисчилари, акциядорлари ҳамда мижозларини кириб келаётган Наврўз айёми билан самимий қутлайди!



*Наврўз — табиатнинг уйғониш фасли, меҳр-мурувват айёми, орзу умидлар рамзи. Шу билан бирга Наврўз ҳаёт абадийлигининг, табиатнинг чексиз саховатининг ёрқин кўринишидир. Шу боис халқимиз Наврўзни ўзгача соғинч, ўзгача умид билан кутади. Зеро, ушбу айём қалбларимизга ёруғлик олиб киради, кўнгилларимизни мунаввар этади. Табиатга меҳр, эртанги кунга ишонч уйғотади. Наврўз ана шунинг учун ҳам азиз ва улуғ айёмдир.*

*Сиз азизларга «Наврўз» баҳор байрами муносабати билан қуйидаги янги жозибали омонат турини таклиф этамиз:*

*«Бойчечак» — омонатига пул маблағлари шу йил 15 мартдан 1 апрелгача, 20 кун муддатга қабул қилинади. Омонатнинг энг кам миқдори 25 минг сўм бўлиб, омонатга йиллик 100 фоиз ҳисобидан даромад ҳисоблаб тўланади.*


## «ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»НИНГ АҲОЛИГА МАИШИЙ ВА БОШҚА ТЎЛОВЛАР ҲАМДА ОМОНАТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ ФИЛИАЛЛАРИ ЖАМҒАРМА КАССАЛАРИ МАНЗИЛЛАРИ

| № п/п | Шаҳар ва туман номлари | Жамғар. кассалар рақами | Жамғарма кассалар манзили | Жамғарма кассалар телефони | Жамғарма кассаларнинг иш тартиби | Жамғарма кассаларнинг дам олиш кунлари |
|---|---|---|---|---|---|---|
| А | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| | ***Қорақалпоғистон Республикаси*** | | | | | |
| 1 | Нукус шаҳри | 1 | Е.Аллакоз к., 76,Ққ газ таъминот биносида. | 217-37-48 | 9.00-17.00 | шан., якш. |
| 2 | Тахиатош шаҳри | 8 | Авезов к., 29. | 572-13-57 | 9.00-17.00 | шан., якш. |
| 3 | | 9 | Кабланов к., 15, Горгаз биноси ичида. | 572-40-98 | 9.00-17.00 | шан., якш. |
| 4 | | 10 | Ташауз к., 1, Тош ГРЭСбиносида. | 572-26-54 | 9.00-17.00 | шан., якш. |
| 5 | Қўнғирот шаҳри | 1 | Айбергенов к., 2. | 312-39-52 | 9.00-17.00 | шан., якш. |
| 6 | | 2 | | 312-25-11 | 9.00-17.00 | шан., якш. |
| | ***Андижон вилояти*** | | | | | |
| 7 | Андижон шаҳри | 1 | Бобур к., 36. | 25-82-94 | 8.00-16.00 | якшанба |
| 8 | | 5 | Чинобод к., 1. | 46-44-27 | 8.00-16.00 | шан. куни |
| 9 | Хонобод шаҳри | 1 | Зиёкор к., 2. | 4-35-67 | 8.00-16.00 | 14.00 гача |
| 10 | | 2 | Тополино қўрғони, сувканал қошида. | 4-93-45 | 8.00-16.00 | якш., шан. |
| 11 | Бунёдкор тумани | 1 | А.Навоий к., 41. | 24-40-80 | 8.00-16.00 | 14.00 гача |
| | ***Бухоро вилояти*** | | | | | |
| 12 | Бухоро шаҳри | 1 | С.Муродов к.,1, АК 25-24 қошида. | 25-60-69 | 8.30-16.30 | шан., якш. |
| 13 | | 2 | Промышленная к., 2, РМЗ қошида. | 25-83-53 | 8.30-16.30 | шан., якш. |
| 14 | | 3 | Навоий к., 5. | 23-87-11 | 9.00-17.00 | шан., якш. |
| 15 | Тўқимачилик тумани | 8 | Промышленная к., 2. | 22-45-88 | 9.00-17.00 | шан., якш. |
| 16 | Когон шаҳри | 2 | Калинин к.,22, Когон 1 ст. | 4-63-60 | 8.30-15.30 | шан., якш. |
| 17 | | 3 | Амир Темур к., 22, Когонгаз. | 4-70-60 | 8.30-15.30 | шан., якш |
| 18 | | 4 | М.Таробий к.,29, Когон эл. | 2-72-21 | 8.30-15.30 | 13.30 гача |
| 19 | Қоровулбозор тумани | 1 | Амир Темур к., 12. | 4-17-74 | 8.30-16.30 | шан., якш. |
| 20 | | 9 | Навоий к.,7. | 4-15-89 | 9.00-17.00 | шан., якш. |
| | ***Қашқадарё вилояти*** | | | | | |
| 21 | Қарши шаҳри | 1 | Ўзбекистон к., 6. | 4-54-88 | 8.00-17.00 | якш. |
| 22 | | 2 | Х.Жўраев к., 21. | 5-62-63 | 8.00-17.00 | якш. |
| 23 | Муборак шаҳри | 1 | Занжир Сарой к.,22/3, 4-микрорайон. | 2-34-73 | 8.00-17.00 | якш. |
| 24 | | 2 | У.Носир к.,1, 1-микрорайон. | 2-12-81 | 8.00-17.00 | якш. |
| 25 | | 3 | Занжир Сарой к.,1, 1-микрорайон. | 2-46-34 | 8.00-17.00 | якш. |
| 26 | | 4 | Беҳзод к., 3/1, 1-микрорайон. | 2-43-97 | 8.00-17.00 | якш. |
| | ***Наманган вилояти*** | | | | | |
| 27 | Наманган шаҳри | 1 | Қўқон к., 5. | 6-19-50 | 8.00-17.00 | шан., якш. |
| 28 | | 3 | К.Атамирзаев к., 23, Шах.Газ. | 6-63-55 | 8.00-17.00 | шан., якш. |
| 29 | | 5 | Марғилон к., 8. | 6-48-08 | 8.00-17.00 | шан., якш. |
| 30 | | 7 | Давлатобод тумани 52, Тум.Газ. | 2-50-04 | 8.00-17.00 | шан., якш. |
| 31 | | 8 | Хотира к., 4, Давлатобод тум. | 2-05-55 | 8.00-17.00 | шан., якш. |
| 32 | | 9 | Дўстлик пр. 19. | 4-19-24 | 8.00-17.00 | шан., якш. |
| 33 | | 11 | Нодира к., 9, УзГосстандарт. | 6-98-71 | 8.00-17.00 | шан., якш. |
| | ***Навоий вилояти*** | | | | | |
| 34 | Навоий шаҳри | 1 | Меъморлар к., 7. | 24-69-81 | 8.30-16.30 | шан., якш. |
| 35 | | 2 | Халқ Дўстлиги к., 70, «ЦУМ». | 23-25-14 | 8.30-16.30 | шан., якш. |
| 36 | | 3 | Навоий к., 27, НГМК. | 23-90-35 | 8.30-16.30 | шан., якш. |
| 37 | | 4 | Ғалаба к., 151, ШСИ. | 24-48-11 | 8.30-16.30 | шан., якш. |
| 38 | | 5 | Навоий к., 19, Горгаз. | 23-35-31 | 8.30-16.30 | шан., якш. |
| 39 | | 7 | Навоий к., 5, Навоиазот. | 29-25-80 | 8.30-16.30 | шан., якш. |
| 40 | Учқудуқ шаҳри | 1 | 11 - чи Микрорайон. | 2-43-24 | 8.30-16.30 | шан., якш. |
| | ***Самарқанд вилояти*** | | | | | |
| 41 | Самарқанд шаҳри | 1 | А.Икромов к., 13. | 21-43-30 | 8.00-16.30 | шан., якш. |
| 42 | | 2 | Амир Темур к., 50, Элект тармоғи з-ди. | 33-06-60 | 8.00-16.30 | якш. |
| 43 | | 7 | Амир Темур к., 83, Алпомиш з-ди қош. | 31-03-64 | 8.00-16.30 | шан., якш. |
| 44 | | 8 | Регистон к., Чорсу савдо маркази.. | 35-01-60 | 9.00-17.30 | шан., якш. |
| 45 | | 10 | Самарқанд к.,37. | 25-00-30 | 9.00-17.30 | шан., якш. |
| 46 | | 14 | Навоий к., 27, Солиқ инспекцияси. | 34-08-61 | 9.00-17.30 | якш. |
| 47 | | 15 | А.Икромов к., 69, РУ-1. | 22-49-80 | 9.00-17.30 | якш., душ. |
| 48 | Катта-Қўрғон тумани | 1 | Фаробий к., 109, Шаҳгаз. | 31-08-60 | 9.00-17.30 | якш. |
| | ***Сирдарё вилояти*** | | | | | |
| 49 | Гулистон шаҳри | 1 | Навоий к., 48. | 25-16-68 | 9.00-18.00 | шан., якш. |
| | ***Сурхондарё вилояти*** | | | | | |
| 50 | Шарғун шаҳри | 1 | Шахтёр к., 31. | 4-31-28 | 8.00-17.00 | шан., якш. |
| 51 | | 2 | Чароғон маҳалласи Охунбобоев Ш/У Газсантехмонтаж идораси қошида. | — | 8.00-17.00 | шан., якш. |
| | ***Фарғона вилояти*** | | | | | |
| 52 | Фарғона шаҳри | 3 | Қомус к., 42. | 24-47-68 | 8.00-17.00 | шан., якш. |
| 53 | | 6 | Раҳимов к., 39. | 24-75-21 | 8.00-17.00 | дам олишсиз |
| 54 | | 7 | Ал-Фарғоний к., Вил. ДАН қошида. | 24-63-80 | 8.00-17.00 | пай. якш. |
| 55 | | 9 | Қувасой к., 247. | 25-32-54 | 8.00-17.00 | шан., якш. |
| 56 | Қиргули тумани | 1 | Фарғона к., 19. | 22-29-37 | 8.00-17.00 | шан., якш. |
| 57 | | 3 | Лермонтов к., 5, КЭП-7. | 22-36-80 | 8.00-17.00 | шан., якш. |
| 58 | | 5 | Дўстлик к.,1, АО ФПГС. | 27-49-09 | 8.00-17.00 | шан., якш. |
| 59 | Марғилон шаҳри | 1 | Туркистон к., 218. | 37-18-00 | 8.00-17.00 | шан., якш. |
| 60 | | 4 | А.Содиқов кўч. 53. | 33-07-23 | 8.00-17.00 | шан., якш. |
| 61 | | 5 | Б.Марғилоний к., 454а. | 33-29-81 | 8.00-17.00 | шан., якш. |
| 62 | | 6 | Мустақиллик к., 450. | 33-36-56 | 8.00-17.00 | шан., якш. |
| 63 | Қўқон шаҳри | 2 | Амир Темур к., 1а. | 22-20-37 | 8.00-17.00 | шан., якш. |
| | ***Хоразм вилояти*** | | | | | |
| 64 | Урганч шаҳри | 1 | А.Баҳодирхон к., 183. | 6-02-50 | 9.00-17.00 | якш. |
| 65 | | 2 | Хонқа к., 134, Вил. ДАН қошида. | 5-45-38 | 9.00-17.00 | душ. |
| 66 | Хива шаҳри | 1 | Феруз к., 87. | 5-84-87 | 9.00-18.00 | шан., якш. |
| 67 | | 2 | Н.Кубро к., 3, ДСИ қошида. | 5-30-57 | 9.00-18.00 | шан., якш. |
| 68 | | 3 | Н.Кубро к., 36, Тикув ф-каси қошида. | 5-35-96 | 9.00-18.00 | шан., якш. |
| 69 | | 4 | Беруний к., 4, Шаҳгаз. | 5-35-96 | 9.00-18.00 | шан., якш. |
| 70 | | 5 | Хива тум., Огахий Ж.Х.., 17 АТП қошида. | 5-37-51 | 9.00-18.00 | шан., якш. |
| 71 | | 6 | Феруз к., 17, туман шифохонаси қошида. | 5-42-49 | 9.00-18.00 | шан., якш. |
| 72 | | 7 | Н.Кубро к., 81, ТИИБ қошида. | 5-27-48 | 9.00-18.00 | шан., якш. |
| | ***Тошкент вилояти (Шайҳонтохур)*** | | | | | |
| 73 | Тошкент шаҳри | 1 | Абай к., 10а. | 144-15-98 | 8.00-17.00 | якшанба |
| 74 | | 2 | Олмалиқ ш., Қодирий к.,10, Аммофос з. | 34-536 | 8.00-17.00 | якшанба |
| 75 | Қибрай тумани | 1 | Зебуннисо к., 7. | 63-673 | 8.00-17.00 | якшанба |
| 76 | Чирчиқ шаҳри | 1 | Навоий к., 66. | 62-558 | 8.00-17.00 | якшанба |
| 77 | Янгийўл шаҳри | 1 | Шораҳмедов к.,32, Тоштеплокомун. | 56-769 | 8.00-17.00 | якшанба |
| 78 | Ғазалкент шаҳри | 1 | Беруний к., 24. | 20-289 | 8.00-17.00 | якшанба |
| 79 | | 2 | Фурқат к., 5, «Ойна» ОҲЖ қошида. | 28-451 | 8.00-17.00 | шан., якш. |
| 80 | | 3 | Гагарин к., 2. | 27-778 | 8.00-17.00 | шан., якш. |
| | ***Тошкент шаҳри*** | | | | | |
| | ***Мирзо Улуғбек тумани*** | | | | | |
| 81 | Тошкент шаҳар фил. | МЖК | Пушкин к., 5. | 133-32-36 | 9.00-18.00 | якшанба |
| 82 | М.Улуғбек филиали | 1 | Ҳумоюн мавзеси,1а, ТТЗ. | 161-47-76 | 8.00-17.00 | шан., якш. |
| 83 | М.Улуғбек филиали | 4 | Хўжаев к., 28, Ўзбеккабел з-ди. | 162-39-94 | 8.00-17.00 | шан., якш. |
| 84 | М.Улуғбек филиали | 6 | Доғистон к., 56, ЖЭК. | 68-49-53 | 8.00-17.00 | якшанба |
| 85 | М.Улуғбек филиали | 7 | Истиқлол к., 25. | 133-89-70 | 8.00-17.00 | шан., якш. |
| 86 | Ҳамза филиали | 2 | Троицкое ш., 15, РСУ 4. | 64-35-58 | 8.30-17.30 | шан., якш. |
| 87 | Юнусобод филиали | 4 | Темур Малик к., 3а, Депо 3. | 63-72-64 | 8.00-17.00 | шан., якш. |
| | ***Ҳамза тумани*** | | | | | |
| 88 | Тошкент шаҳри фил. | 3 | Элбек к., 61, ТАПОиЧ ИИБ. | 96-02-41 | 8.30-16.30 | шан., якш. |
| 89 | Авиасозлик филиали | 1 | М.Ҳасанов к., 5. | 96-17-61 | 8.00-16.30 | якш. |
| 90 | Авиасозлик филиали | 2 | Строительная к., 1, ДСК-1 з-ди | 90-46-92 | 8.00-16.30 | шан., якш. |
| 91 | Авиасозлик филиали | 6 | Ғалаба 40 йил. мав., кв.1, 207-почта бўл. | 96-83-25 | 8.00-16.30 | шан., якш. |
| 92 | Авиасозлик филиали | 7 | М.Ашрафий тор к., 2,3 уй, Гўшт-сут РАБ | 93-16-97 | 8.30-16.30<br>10.00-18.30 | шан., якш.<br>жума |
| 93 | Авиасозлик филиали | 8 | Лисунов к., 4-65, Солиқ инспекцияси. | 97-66-81 | 8.30-16.30 | шан., якш. |
| 94 | Авиасозлик филиали | 1 | Лисунов к., 4, Савдо маркази. | 191-72-89 | 8.00-17.00 | шан., якш. |
| 95 | Авиасозлик филиали | 3 | Қовчун к., 186, Электромаш з-ди. | 191-23-31 | 8.30-17.00 | шан., якш. |
| 96 | Авиасозлик филиали | 5 | Ғалаб. 40 йиллиги мавзеси 3. | 94-28-63 | 8.30-17.00 | шан., якш. |
| 97 | Авиасозлик филиали | 6 | С.Машҳадий к., 210, ГСКБ. | 169-35-51 | 9.00-17.30 | шан., якш. |
| 98 | Авиасозлик филиали | 8 | Элбек к., 26. | 96-07-30 | 8.30-17.00 | шан., якш. |
| 99 | Авиасозлик филиали | МЖК | Ғ.Ғулом к. Ц-1 Б. | 133-91-08 | 8.00-18.00 | якшанба |
| | ***Акмал Икромов тумани*** | | | | | |
| 100 | Охунбобоев филиали | 5 | Усмонов к., 71, Алгоритм з-ди | 170-55-98 | 9.00-18.00 | шан., якш. |
| 101 | Охунбобоев филиали | 6 | Чилонзор 30-даҳаси, 16а. | 170-02-34 | 8.00-17.00 | шан., якш. |
| 102 | Охунбобоев филиали | 7 | Турсунқулов к., 18, А-Икр. РЭС | 75-86-62 | 8.00-16.45 | якшанба |
| 103 | Акмал Икромов фил. | 1 | Абдуллаев к., 19а, Ватанпарвар | 75-65-13 | 8.00-16.00 | шан., якш. |
| 104 | Акмал Икромов фил. | 2 | С.Юсупов к., Г9а даҳаси, 21, ЎзЖТУ. | 75-17-93 | 8.00-16.00 | шан., якш. |
| 105 | Акмал Икромов фил. | 5 | 12 даҳа 7, 1 ЖЭК. | 75-72-43 | 8.00-16.00 | якш., душ. |
| 106 | Акмал Икромов фил. | 6 | Дилхуш к., 2, Ташинтерм. | 47-61-98 | 8.00-16.00 | шан., якш. |
| 107 | Акмал Икромов фил. | 8 | Бирлик мавзеси, Абдуллаев к., 92. | 47-88-47 | 8.00-16.00 | шан., якш. |
| 108 | Акмал Икромов фил. | 10 | Чилонзор, 23, даха 8, 4, ЖЭК. | 74-88-59 | 8.00-16.00 | якш., душ. |
| 109 | Акмал Икромов фил. | 11 | Чилонзор, 22, даха 10, 2, ЖЭК. | 74-31-92 | 8.00-16.00 | якш., душ. |
| | ***Чилонзор тумани*** | | | | | |
| 110 | Чилонзор филиали | 3 | Гулистон к., 29а | 170-50-39 | 9.00-18.00 | якш., душ. |
| 111 | Чилонзор филиали | 4 | Халқ Дўстлиги, 49, АТП-7 | 79-95-33 | 8.00-17.00 | шан., якш. |
| 112 | Чилонзор филиали | 5 | Меҳр к., «Ц» даҳаси | 76-61-03 | 8.00-17.00 | шан., якш. |
| 113 | Чилонзор филиали | 6 | Халқ Дўстлиги к.,29а, Совпластитал | 76-53-33 | 8.00-17.00 | шан., якш. |
| 114 | Чилонзор филиали | 10 | Муқимий к., 7а, ГСМ | 78-51-47 | 9.00-17.00 | шан., якш. |
| | ***Сирғали тумани*** | | | | | |
| 115 | Сирғали филиали | 1 | Спутник, 8 даха, 63, инспекция бўлими | 58-74-14 | 8.00-17.00 | якш., душ. |
| 116 | Сирғали филиали | 2 | Жанубий Промзона, «Цветмет» АЖ | 58-82-19 | 8.00-17.00 | шан., якш, |
| 117 | Сирғали филиали | 3 | Спутник, 6 даха, 9, ХРУ қошида | 58-72-39 | 8.00-17.00 | якшанба |
| 118 | Сирғали филиали | 5 | Сирғали, 12 даха, 2-63, Почта бўлими | 57-26-25 | 8.00-17.00 | якшанба |
| 119 | Сирғали филиали | 6 | Проектная Г-38 | 58-36-27 | 8.00-17.00 | шан., якш. |
| 120 | Сирғали филиали | 7 | Сирғали, 3 даха, 24, 4 ЖЭК | 57-88-78 | 8.00-17.00 | якшанба |
| | ***Яккасарой тумани*** | | | | | |
| 121 | Ракат филиали | 2 | Ш.Жаҳон к., 2а, Тўқимачилик ин-ти | 55-19-39 | 8.00-17.00 | шан., якш. |
| 122 | Яккасарой филиали | 2 | Фарҳод к., 6а, ДСИ | 50-89-26 | 9.00-18.00 | шан., якш. |
| 123 | Яккасарой филиали | 3 | Глинка к. 103, Пединститут | 55-49-35 | 8.00-17.00 | шан., якш. |
| 124 | Яккасарой филиали | 4 | Бобур к., 13, ИИБ Полимер | 50-54-10 | 8.00-17.00 | шан., якш. |
| 125 | Яккасарой филиали | 5 | Қушбеги мавзеси, 12а, АП-3 | 50-01-87 | 8.00-17.00 | якш., душ. |
| 126 | Яккасарой филиали | 6 | М.Таробий к., 8, Нотар. идораси | 54-56-88 | 9.00-18.00 | дам. олишсиз |
| | ***Шайҳонтохур тумани*** | | | | | |
| 127 | Қатортол филиали | 2 | Самад-Вургун к., 7, Сувенир ф-каси | 78-38-17 | 8.00-17.00 | шан., якш. |
| 128 | Нодирабегим фил. | 1 | Фурқат к., 6, Ўзбексавдо | 144-79-12 | 8.00-17.00 | шан., якш. |
| 129 | Нодирабегим фил. | 2 | Навоий к., 18, УзНИИП | 41-76-50 | 8.00-17.00 | шан., якш. |
| 130 | Нодирабегим фил. | 3 | Ибн-Сино, 2, ЖЭК 3 | 116-93-04 | 9.00-18.00 | якш., душ. |
| 131 | Нодирабегим фил. | 4 | Навоий к., 30, ОО Матбуот | 144-54-37 | 8.00-17.00 | шан., якш. |
| 132 | Нодирабегим фил. | 5 | Маҳтумқули к., 2, Орзу | 49-48-73 | 9.00-18.00 | якш., душ. |
| 133 | Нодирабегим фил. | 6 | Ғ.Ғулом к., М-14, 19-уй. | 144-09-65 | 8.00-17.00 | шан., якш. |
| | ***Миробод тумани*** | | | | | |
| 134 | Миробод филилаи | 1 | Саракул к., 2, ЖЭК. | 99-38-16 | 9.00-18.00 | шан., якш. |
| 135 | Миробод филиали | 2 | Чехов к., 10, ЖЭК | 54-44-11 | 9.00-18.00 | шан., якш. |
| 136 | Миробод филиали | 5 | Ҳ.Умаров к., 8, ВУД-2 | 59-45-45 | 9.00-18.00 | шан., якш. |
| 137 | Авиасозлик фил. | 3 | Янги замон к.,86, 1 Трамвай депоси | 93-09-48 | 9.00-18.00 | шан., якш. |
| 138 | Авиасозлик фил. | 4 | Фетисова к., 115а, Тошгипро ётоқхонаси | 191-15-57 | 9.00-18.00 | шан., якш. |
| 139 | Яккасарой фил. | 1 | Т.Шевченко к., 21, Қизил тонг ф-каси | 133-19-24 | 8.00-17.00 | шан., якш. |
| 140 | Ҳамза филиали | 9 | Охунбобоев к., 18 | 133-57-84 | 8.00-17.00 | шан., якш. |
| | ***Юнусобод тумани*** | | | | | |
| 141 | Шахристон филиали | 3 | Юнусобод, 11 даха, 17 | 125-44-53 | 9.00-18.00 | шан., якш. |
| 142 | Юнусобод филиали | 1 | А.Темур, 60, ТПШО Юлдуз ТИИБ | 35-86-59 | 8.00-17.00 | шан., якш. |
| 143 | Юнусобод филиали | 3 | Юнусобад 2, даха 8, ЖЭК | 21-35-22 | 9.00-18.00 | шан., якш. |
| 144 | Юнусобод филиали | 5 | А.Темур к., 110, Самсунг магазини | 34-34-00 | 9.00-18.00 | якшанба |
| 145 | Юнусобод филиали | 6 | Юнусобод, 14 даха, 1-1 | 125-62-05 | 8.00-17.00 | якш., душ. |
| 146 | Юнусобод филиали | 7 | Муртазоев к.,1, Ўзбекэкспо | 137-57-22 | 9.00-18.00 | якшанба |
| 147 | Юнусобод филиали | 8 | Юнусобод, 17 даха, Ватанпарвар | 22-43-88 | 9.00-18.00 | шан., якш. |
| 148 | Амалиёт бошқармаси | 1 | Шаҳрисабз к., 3 | 136-75-49 | 8.00-17.00 | якшанба |
| 149 | Амалиёт бошқармаси | 2 | Обидов к., 3, «Қишлоқмаш» з-ди қошида | 35-73-56 | 7.30-16.30 | шан., якш. |
| | ***Собир Раҳимов тумани*** | | | | | |
| 150 | С.Раҳимов филиали | 1 | Бобожонов к., 10 | 48-44-42 | 8.00-17.00 | шан., якш. |
| 151 | С.Раҳимов филиали | 3 | Қорасарой к., 312, Мармар з-ди | 48-93-76 | 8.00-17.00 | шан., якш. |
| 152 | С.Раҳимов филиали | 4 | М.Мирпўлатов к., 144, АТП-3 | 48-24-28 | 8.00-17.00 | шан., якш. |

Kamalak-TV

“КАМАЛАК-ТВ”

ЎЗБЕКИСТОН-АМЕРИКА
ҚЎШМА КОРХОНАСИ
ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини ва
меҳмонларини умумхалқ байрами

Наврўз

билан чин дилдан самимий
кутлайди.

Барчангизга сиҳат-саломатлик,
омад, Ватан ободлиги, гуллаб-яшнаши
йўлидаги яратувчилик
меҳнатингизда зафарлар
тилаймиз.

Наврўз айёмингиз
муборак бўлсин,
азиз юртдошлар !

TURON 067 LINK
СЛУЖБА ПЕРСОНАЛЬНОГО РАДИОВЫЗОВА

“КАМАЛАК-ТВ” ҚК

3920

«Ал-Машриқ» фирмаси

Ўзбекистон халқини азалий баҳорий
байрам — НАВРЎЗ
билан чин қалбдан
табриклаймиз!

Тун ва кун тенглашаётган, борлиқ ажиб
гўзалликка тўлган кунларда истаймизки,
ҳар бир хонадондан ҳеч қачон файзу барака
аримасин, тинчлик ва тотувлик ҳамиша
ҳамроҳингиз бўлсин, жамики одамлар тўкин-
сочинликда яшасин.

Барча ўйлаган орзу-умидларингиз
ва истакларингиз рўёбга чиқсин,
азизлар!

3918




3910

